



O'ZBEKISTON OVOZI

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Муродбек ЗИЕ олган суратлар.

ҚЎМИТА ҚАРОРИ ИЖРОСИ

Таҳлил қилинди

Бугун мамлакатимизда ахборот ва коммуникация технологияларини янада такомиллаштиришга доир мустақкам қонунчилик асоси яратилди. Бу соҳада қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун иқтисодий тизимнинг бошқа тармоқлари қатори таълим жараёнига ҳам замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ундан унумли фойдаланишда муҳим ўрин тутди.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази тизимларида ижро этилиши, бу буйича Қўмиита қарори ижроси таҳлили яқунлари муҳокама этилди.

Тадбирда депутатлар, Халқ таълими вазирлиги ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими маркази етакчилари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳам-

да соҳа мутахассислари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқитувчилар таркибининг ундан фойдаланиш малакасини ошириш, таълимга оид долзарб электрон ресурсларни янада бойитиш, компьютер техникаси ва интернет тизимидан ўқувчи ёшларнинг самарали ва хавфсиз фойдаланиши учун шарт-шароит яратиш буйича фикр алмашди.

(Давоми 2-бетда.)

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа

КАТТА ҲАЁТ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

кичик одимлардан бошланади

Партия ҳаракат дастуридан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида ўтказилган «Ёшлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ташаббус ҳамда лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари» мавзусида ижтимоий-иқтисодий анжуман бўлиб ўтди.

Унда касб-хунар коллежлари битирувчилари, кам таъминланган ва ёш оилалар вакиллари, иқтисодийда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли одамлар, ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келадиган ва жисмоний имконияти чекланган кишилар, ўз мустақил иши, оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиш истагида юрган фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш идоралари вакиллари иштирок этди. Тадбир доирасида дастлаб бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

— Бугунги ярмарка бизнинг ЎзХДП билан амалий ҳамкорлигимиз натижаси, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори ўринбосари Мурат Худайбергенов. — Ярмаркада 23 та корхона ва

ташкilot 125 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Шунингдек, тадбир давомида ўз ишини бошлаган хунарманд ва касаначилар, оилавий бизнес вакиллари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

— Хунармандчилик билан шуғулланаман, — дейди Дилфуза Алламбергенова. — Шу асосда шогирдларим билан эркаклар ва аёллар кийимлари ишлаб чиқарамиз, гилам тўқиймиз. Бугунги кунда 5 нафар қиз хунар сирларини ўрганмоқда. 3 нафар шогирдим тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, мустақил иш бошлади.

Бугунги анжуман ҳақида эшитиб, нафақат тайёрлаётган маҳсулотларимиз, балки тижорат банклари, солиқ қўмитаси вакилларига оилавий тадбиркор-

ликни бошлаш билан боғлиқ саволлар билан келдим.

— Ўн нафар шогирдим бор, — дейди Раушаной Хожаниязова. — Улар билан бирга миллий кўғирчоқлар ясаймиз. Маҳсулотларимизга асосан Меҳрибонлик уйлари, мактабгача тарбия муассасалари талабгор. Энди буни ривожлантириб, кўғирчоқларни савдога чиқаришни режалаштираямиз. «Нодирабегим» кичик корхонамизда эса аёллар сумкалари, хотин-қизлар кийимлари ишлаб чиқарамиз, каштачилик билан шуғулланамиз.

Умуман олганда, кўргазма ўзаро тажриба алмашиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини хунармандчилик, ишлаб чиқариш соҳасига жалб этиш, устоз-шогирд аънасанини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бундан ташқари, иштирокчилар тижорат банкларининг микромолиявий хизматлари борасидаги методик ва услубий материаллари кўргазмасида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Банкларда мавжуд кредит йўналишлари, имтиёзли микрокредитлардан фойдаланиш шартлари билан танишишди.

(Давоми 2-бетда.)

ЁШЛИК — ИШОНЧ, ИЗЛАНИШ, КЕЛАЖАККА ИНТИЛИШДИР

Наманган давлат университети қошидаги 2-академик лицейда ўқишни орзу қиладиганлар жуда кўп. Мен шу ўқув масканига имтиёзли равишда қабул қилинганман. Ёшлар ўртасидаги қатор кўрик-танловларнинг республика босқичларида муваффақият қозондим.



2010 йилнинг ноябрида пойтахтдаги Дўрмон ижод уйида ўтказилган республика ёш ижодкорлар анжуманидаги иштироким бутун умрим давомида унутилмас бўлиб қолди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан «Ижод» фонди томонидан «Мен ёшликман» номли илк шеърый китобим чоп этилди.

2011 йилнинг 30 сентябрида вилоятимиздаги «Ёшлар маркази»да бир гуруҳ иқтидорли тендошларим қатори мен ҳам Юртбошимиз билан учрашиб, суҳбатлашиб, орзуларим ҳақида юзма-юз

мулоқот қилиш бахтига муяссар бўлдим. Бу менинг руҳимга куч, юрагимга қувват берди. 2012 йил Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби, деган шарафга сазовор бўлдим.

Мен Ўзбекистонимизни адабиёт соҳасида ҳам дунёга танитишни ўз олдимга мақсад қилганман. Бир қатор хорижий тилларни ўзлаштириб борапман. Мақсадларимдан бири ўзбек адабиёти дурдоналарини инглиз тилига таржима қилиб, миллий адабиётимизни бутун дунёга ёйиш. Бунинг учун имкониятлар етарли. Президентимизнинг «Мен ёшларга ўзимга

ишонгандек ишонаман!» деган сўзлари нафақат мени, ўйлайманки, бутун Ўзбекистон ёшларини руҳан тетиклаштирди, уларга катта куч-қудрат бағишлади.

Бугун мана шу юксак ишончни оқлаш учун Ватан менинг тақдирим, мен Ватаннинг тақдириман, деган туйғу билан яшамокдаман. Шунини қилиш билан айтманки, бизнинг олий бахтимиз — манглайимизга Ўзбекистон атлашиш эркин ва обод Ватан биланганлигидир.

Меҳриюз АБОСОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби.

Спорт

27 июль кун Лондонда XXX ёзги Олимпия ўйинлари бошланади. Унда мамлакатимиз спортчилари ўн учта спорт тури буйича голиблик учун кураш олиб боришади.

ЛОНДОН ОЛИМПИДАСИГА яна бир йўлланма



Куни кеча енгил атлетикачиларимиздан икки нафари Алматида ўтказилган халқаро турнирда Лондон олимпиадасига йўлланмаларни қўлга киритганлигини хабар қилгандик. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизматидан билдиришича, енгил атлетика буйича ўтказилган халқаро турнирда яна бир вакилимиз кучлилар сафидан жой олган. Айнан Қозоғистонда ўтган йирик мусобақада ҳамюртимиз Артём Дятлов 400 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсларида маррага биринчи бўлиб етиб келди. Бу галаба вакилимизга Лондон олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш имкониятини берди.

Эслатиб ўтамиз, ер куррасининг энг нуфузли баҳсларида қатнашадиган Ўзбекистон спортчилари сони жами 56 тага етган.

Эркин ХОЛБОБО



«O'zbekiston ovozi» сайтида ўқинг

Фракция фаолияти:

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ

www.uzbekistonovozi.uz

Бугунги сонда

ЎзХДП: маҳаллий кенгашларда

- МЕН МУСТАҚИЛ ИШИМНИ БОШЛАЙМАН, — дейди нуроталик ёшлар **2-бет**

Оғоҳлик

- ГИЁҲВАНДЛИК: ИНСОНЯТНИ ФАЛОКАТГА ЕТАКЛОВЧИ ОҒУ **3-бет**

Китоб жавонингизга

- «ЎЗБЕКISTON-ДА КИМ ЯХШИ ЯШАЙДИ» **4-бет**

Келгуси сонда

СУД ИЖРОЧИСИ — ХАВФЛИ КАСБ...МИ?

- Муҳбиримиз Шарофат Йўлдошева уларнинг ишини кузатди.

● БУ ҲАҚДА

Газетамизнинг кейинги сониди ўқийсиз.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 26 ИЮНДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2382,81	1 Дания кронаси	318,07	1 Хитой юани	295,80	1 Туркия лираси	1037,52
1 АҚШ доллари	1884,75	1 БАА дирҳами	513,21	1 Украина гривнаси	235,81	1 Швейцария франки	1968,82
1 Россия рубли	56,23	1 Миср фунти	311,32	1 Малайзия ринггити	591,02	10 Жанубий Корея вони	16,26
1 Австралия доллари	1891,54	1 Испания кронаси	14,96	1 Польша злотийси	553,54	10 Япония иенаси	234,68
1 Англия фунт стерлинги	2937,38	1 Канада доллари	1837,70	1 СДР	2854,68		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ГИЁҲВАНДЛИК: ИНСОНИЯТНИ ФАЛОКАТГА ЕТАКЛОВЧИ ОҒУ

Огоҳлик



Хориж

ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАДИ

**атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш**

ИТАР-ТАСС хабар беришича, Ҳиндистонда водород ёниғиси билан ҳаракатланадиган автомобилотранспорт воситалари қатнови йўлга қўйилди. «Водород энергетикасининг миллий йўл харитаси» деб номланган лойиҳага мувофиқ 2020 йилга бориб мамлакат кўчаларидаги бундай транспорт турларининг сони 1 миллионга етказилади.

Японияда эса «Ниссан мотор» корпорацияси электромобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалашмоқда. «e-NV200» русумидаги ушбу машиналар 2013 йилдан бошлаб оммавий чиқарилади.

Буюк Британиянинг «Intelligent energy» компанияси худди Ҳиндистондагидек водород билан ҳаракатланувчи такси ишлаб чиқаришни бошлади. Дарвоқе, бу ерда, аниқроғи, Лондонда 2010 йилдан эътиборан водород ёрдамида юрадиган автобуслар ҳаракатига асос солинган. Водородли ёниғи одатдаги ёниғиларга қараганда экологик тозаллиги билан ажралиб туради.

Америкалик олимлар эса водород ишлаб чиқариладиган ускуна яратдиларки, бу келажакда экологик тоза энергия ишлаб чиқарувчи улкан станцияларга эга бўлишга замин яратиши аниқ.

Кремний, кобальт ва никель каби материаллардан тайёрланган ҳозирча кичик ушбу ускуна сув ўтдирилган идишга солинади. У кўш нури ёрдамида сувни водород ва кислородга ажратади. Атроф-муҳитга кам зарар етказадиган ушбу технология ёрдамида ҳосил бўлган моддадан электр токи олишда фойдаланиш мумкин.

КЎЧАТ ЭК, БОҒ ЯРАТ ШИОРИ

**Хитойда кенг
тус олган**

Маҳаллий матбуотда ёзишларича, мамлакатда кейинги 30 йилда 58 миллиард 900 миллион туپ даракх кўчати ўтказилди. 2011 йилнинг ўзига 12 миллиард 700 миллион туپ кўчат экилгани бу борадаги ишлар янада авж олдирилганидан далолат.



Тўғри, уларнинг барчаси ҳам илдиэ отиб, кўчари кетиши дарғумон. Лекин ҳеч бўлмаганда 70-80 фоизи кўчариши турган гап.

Мамлакат ҳукумати 2022 йилга бориб кўкаламзорлаштириш дастурига мувофиқ бу ишга 500 миллион кишини жалб этиб, яна 26 миллиард туپ кўчат экишни режалаштирган. Ҳозир Хитой ўрмонларининг умумий майдони 195 миллион гектарга тенг.

АБОНЕНТЛАР СОНИ

**аҳоли сонидан ортқ
кеетиши мумкин**

Халқаро электр алоқаси иттифоқи маълумотларига қараганда, жорий йилнинг биринчи чорагида мобил алоқа абонентлари сони дунё бўйича ҳисоблаганда 6,2 миллиардга етган.

Демак, жаҳон аҳолиси сони 7 миллиард кишидан ошганлигини ҳисобга олсак, бу кўрсаткичнинг салмоғи қай даражада эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Умуман, 2000 йилда мобил алоқа абонентлари сони аттиги 12 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг охирига бориб маъзур рақам 80 фоиздан орттиши ҳеч гап эмас.

Швециянинг «Ericsson» компанияси мутахассисларининг сўзларига қулоқ солинадиган бўлсак, 2017 йилга бориб дунёда мобил алоқа абонентлари сони сайёрамиз аҳолиси сонидан ҳам ошиб, деярли 9 миллиардга етиб қоларкан. Уша йилга бориб сайёрамиз аҳолиси 7,36 миллиардга етиши тахмин қилинмоқда.

Ҳўш, аҳоли 7 миллиарддан ортқ бўлса-ю абонентлар сони қандай қилиб 9 миллиардга етиши мумкин? Гап шундаки, айрим абонентларнинг 2 ёки ундан ортқ SIM-картадан фойдаланишини ҳисобга олсак, демак, шундай натижани кутиш мумкин.

Мобил алоқа абонентлари сафи, айниқса, Хитой ва Ҳиндистонда шиддат билан ўсмоқда. Жорий йилнинг январь-март ойларида Хитойда 39 миллион, Ҳиндистонда эса 25 миллион янги абонент қайд қилинган.

Манбалар асосида

Ғайрат СУЛТОНҚУЛОВ тайёрлади

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси «Наманган ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Маҳмуджон Партиевага падари бузруквори

МАМАТЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Чилензор туманидаги «Шарқ тонги» маҳалласи фаоли, меҳнат фахрийси

Нажмиддин ХОЛИҚОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Бир гуруҳ дўстлари

26 июнь — халқаро ҳамжамият томонидан гиёҳвандликка қарши кураш куни деб эълон қилинган. Бу қарор бундан 25 йил олдин — 1987 йили БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган.

Бугунги кунда БМТ доирасида ушбу иллатга қарши Гиёҳвандликни назорат қилиш бўйича халқаро кўмита, Гиёҳвандлик воситалари бўйича комиссия, БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси самарали фаолият олиб бормоқда.



Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларини тан олган ҳолда, инсониятни фалокатга етакловчи оғу — гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланishiга қарши самарали чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш борасида минтақавий ва халқаро миқёсда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турганлигини алоҳида қайд этиш керак.

Ўзбекистон — гиёҳванд моддалар олди-содиси билан шуғулланадиган гуруҳларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш, контрабанда йўлларини ёпиш, гиёҳванд моддалар экилган майдонларни йўқ қилиш, шунингдек, гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича аниқ мақсадли тадбирларни ўтказишга катта эътибор қаратмоқда. Бу борада гиёҳвандлик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича давлат тизими шаклланиб буюб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил

марказидан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда бу офатга қарши курашувчи алоҳида тизим фаолият юритмоқда.

Аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш ҳар қандай ривожланган демократик давлатнинг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, жамият ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол генофонд асосидагина ривожланади, тараққий этади. «Аср вобоси»га айланиб улгурган гиёҳвандлик бугунги кунда дунё миқёсида миллионлаб инсонларнинг умрига зомин бўлаётганлиги ташвишли ҳолдир. Зотан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар инсон соғлиғи ва ҳаётига жиддий таҳдид солади, мамлакатдаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига салбий таъсир кўрсатади, кўпинча у уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлиши унинг ижтимоий ҳавфлигини янада оширади.

Айниқса, мазкур гиёҳвандлик воситаларидан жабр кўрувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаётганлиги янада ачинарли ҳолдир. Гиёҳвандликка дучор бўлганларнинг асосий қис-

мини 16-29 ёшдагилар, 30 фоизини эса 24 ёшгача бўлганлар ташкил қилади.

Республикаимиз ҳудудидан наркотранзит сифатида фойдаланишга уринишлар ҳам барча-барчани огоҳликка ундайди.

Ўзбекистон ўзининг жуғрофий ўрнига кўра, Жанубий Осиё ва Европанинг чорраҳасида жойлашган. Гиёҳванд воситалар ва контрабандаси республикаимизнинг Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан chegarados бўлган жанубий ва шарқий ҳудудларида ташкилий тарзда амалга оширилади. Уларнинг йўли chegarанинг назорат қилиш қийин бўлган тоғли ҳудудларидан, шунингдек, Амударё орқали ўтади. Гиёҳванд воситаларнинг контрабандаси учун жуда катта миқдорда молиявий маблағлар сарф қилинади. Бугун бутун дунёда халқаро алоқаларга эга бўлган жиноий нарқогуруҳларнинг фаоллашуви кузатилаёт-

ганини қайд этиб ўтиш керак.

Гиёҳвандлик чегара билмайди. Одам танламайди. У кириб келган оиладан фалокат аримайди. Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг маънавияти ва дунёқарашини давр талаблари асосида шакллантириш ҳамда шахс маънавиятига юзага келадиган турли иллатларга йўл қўймасликни таъминлаш ҳам давлат сиёсатида алоҳида эътиборга олинган.

Шахс маънавиятига салбий таъсир этувчи гиёҳвандлик каби иллат ҳамда уни юзага келтирувчи сабаб ва шароитни тугатишга давлатнинг алоҳида эътибор қаратаётганлиги ушбу муаммонинг нақадар долзарблигидан далолатдир.

БМТ ва бошқа халқаро миқёсдаги нуфузли ташкилотлар чиқарган бир қатор норматив ҳужжатларда гиёҳванд воситалар билан боғлиқ чекловларнинг давлат миқёсида амалга оширилиши эътироф этилган ва бу талаблар Ўзбекистон қонуночилигида ҳам ўз аксини топган. Умуман олганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ҳуқуқий ислохотларнинг бош мақсади инсон ва унинг манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилганидир.

Омонулло МУҲАММАДЖОНОВ,
ТДЮ проректори,
юридик фанлар доктори.

Гиёҳвандлик чегара билмайди. Одам танламайди. У кириб келган оиладан фалокат аримайди. Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг маънавияти ва дунёқарашини давр талаблари асосида шакллантириш ҳамда шахс маънавиятига юзага келадиган турли иллатларга йўл қўймасликни таъминлаш ҳам давлат сиёсатида алоҳида эътиборга олинган.



Реклама

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАХТАЧИ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ

қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш мuddати
		ҚҚС билан	ҚҚСсиз	
1.	Пахтачи тумани, Зиевуддин шаҳри, Истиклол кўчасидаги автомобиль йўлини жорий таъмирлаш	196 485 185 сўм	163 737 654 сўм	2 ой

Қурилиш ишлари Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти Пахтачи туман ободонлаштириш бўлими.
Манзили: Пахтачи тумани, Зиевуддин шаҳри, Алпаёров кўчаси, **телефон:** (8366) 403-12-27.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши баённомасига асосан пудрат ташкилотларини танлашда кичик бизнес субъектларига 25 фоиз миқдорда квота берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнаш-

чиларининг танлов таклифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.
Тел.: 231-13-51, факс: 233-32-00.
Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да** ўтказилади.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш мuddати
		ҚҚС билан	ҚҚСсиз	
1.	Самарқанд тумани, Қулбоипов ҚФЙда 2-сон давлат нотариал идора биноси қурилиши	166 506 310 сўм	138 755 259 сўм	4 ой

Қурилиш ишлари Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилоят Адлия бошқармаси.
Манзили: Самарқанд шаҳри, Б.Мирзо кўчаси, 12-уй, **телефон:** (8366) 233-13-59.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов

таклифларини баҳолашда қўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус -2Д, 403-хона. тел. 233-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00 да** ўтказилади.

Халқаро тараққийт уюшмаси кредит маблағлари асосида «Фарғона ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ 0,4 кВ.лк электр тармоқларини реконструкция қилиш дастурига асосан қуйидаги электр қурилмалари ва материалларини харид қилиш учун 2012 йил 12 июль куни танлов эълон қилинди.

1. КТПс-100, 160, 250 кВА трансформатор пунктлари.
2. 0,4 кВ.ли ҳаво электр узатиш тармоқлари учун изоляцияланган маҳсуе СИП-2, СИП-4 симлари.

Тўловлар Халқаро тараққийт уюшмаси томонидан олинандиган кредит ҳисобидан амалга оширилади.

Мурожаат учун телефонлар:

Тошкент шаҳрида — (8-371) 244-12-17; **Фарғона шаҳрида** — (8-373) 223-65-90.



Китоб жавонингизга

«ЎЗБЕКISTONДА
КИМ ЯХШИ ЯШАЙДИ?»

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шухрат Жабборовнинг «Ўзбекистонда ким яхши яшайди» номли публицистик китоби Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Китобга киритилган мақолаларни ўқир экансиз, муаллифнинг шиддатли замонда руй бераётган воқеа-ходисаларни журналистга хос зийраклик билан кузатиб бораётганига, уларга ўз муносабатини, фикр ва позициясини эркин ифода этганига амин бўласиз. Унинг «Осойишта ҳаёт қадри», «Японлар хайратни» сингари мақолаларида Мустақиллик неъматлари қаламга олинса, «Янгиланиш мевалари», «Орзулар ошиёни» каби мақолаларида истиқлол йилларида амалга оши-



риллаётган улкан бунёдкорлик ишлари тараннум этилади, замонамиз қахрамонлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Ушатиб ёзайлик-да» туркумига киритилган «Сизга бир гап айтаман...», «Соқоли чиқмай қариганлар», «Адолат йўлида қайралган қалам», «Газета ва интернет: ҳамкорми

ё рақобатчи?» номли мақолаларида эса газета тилини ислоҳ қилиш, глобаллашув шароитида ёшлар қалбида мафрурайи иммунитет ҳосил қилиш, жамиятимиз фуқароларининг маънавий-ҳуқуқий онгини ўстиришга қаратилган тақлифларини билдиради.

Мақолалардаги мавзулар, баён этиш усуллари ҳар хил, лекин улар ҳар биримиз жаннатмонанд юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз тараққиётига ўз хиссамизни қўшимиз керак, деган нурли меҳварда туташади. Муаллиф таъкидлаганидек, мана шундай эзгу мақсадлар йўлида ҳаракат қилаётган одамлар Ўзбекистонда яхши яшамокда.

Азиз ҚАРШИЕВ,
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси.

Янгилик



Шавкат АҚРАМОВ олган сурат.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан «Саёҳат-Сари» меҳмонхонасида электрон кутубхона очилди. Электрон кутубхона ушбу тизимнинг аънавий кў-

ринишида яратилган бўлиб, дизайни замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради. Бу ерда энг сўнги авлод компьютерлари ўрнатилган. Компьютердан узоқ вақт фойдаланиш

ЭЛЕКТРОН
КУТУБХОНА

Компьютер яратилган вақтдан бошлаб у билан боғлиқ кўплаб кашфиётлар қилинди, мавжудлари янада такомиллаштирилди. Айни пайтга келиб ҳар бир ускуна йил сайин янгиланиб борапти. Ана шундай ҳар томонлама фойдали ва қулай бўлган янгиликлардан бири бу электрон кутубхоналардир.

инсон саломатлигига, айниқса унинг кўриш тизимига салбий таъсир кўрсатади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда кутубхона компьютерларига ўқш учун қулай ҳимоя воситаси ўрнатилган.

— Электрон кутубхонамизнинг асосий вазифаси мамлакатимизда фаолият юритаётган касаба уюшмалари ходимларини керакли адабиётлар билан таъминлаш, — дейди электрон кутубхона директори Ғайрат Яқубов. — Лекин бу бошқалар кутубхонамиздан фойдалана олмайди дегани эмас. Эшикларимиз барча учун очик. Ку-

тубхонанинг дастури шундай тузилган, ҳатто мактаб ёшига етмаганлар ҳам ўзлари учун керакли адабиётни қийналмай топишлари мумкин.

Бу ерда фойдаланувчиларга янада қулайлик яратиш учун алоҳида ходим бириктирилган бўлиб, у зарур адабиётларни топишга ёрдам беради. Бугунги кунга келиб электрон кутубхонада 24 мингдан ортиқ адабиётлар бор. Келажакда уларнинг сони янада оширилади.

Нозима МУЯССАРОВА

«ЎЗПАХТАСАНОАТ»



уюшмаси жамоаси

барча журналистларни
27 июнь — Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари ходимлари
куни муносабати билан
табриклайди!

Ҳақиқат, адолат ва ҳолислик
иш фаолиятингизнинг асосий
мезони бўлсин!

Машаққатли, айна пайтда шарафли
бўлган ишларингизда ижодий
муваффақиятлар
тилаймиз!



Келгуси сонда

ЎЗБЕКISTON
МАДАНИЯТИ ВА
САНЪАТИ
КЎРГАЗМАСИ ЗАЛИДА

● «Спорт ускуналари, инвентарь ва кийимлар» республика кўргазмаси бўлиб ўтди.

● БУ ҲАҚДА

Журналист Темур Аъзамнинг таҳлилий мақоласи билан газетамизнинг навбатдаги сонидани танишасиз.

ОБ-ҲАВО 26-27 - 06. 2012

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+19 / +24 +33 / +38 ☀

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+19 / +24 +33 / +38 ☀

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+17 / +22 +31 / +36 ☀

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+19 / +24 +33 / +38 ☀

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+17 / +22 +29 / +34 ☀

Тошкент шаҳри

+18 / +20 +30 / +32 ☀

Дунё бўйлаб (°С)

Лондон +14 / +12 ☀

Париж +15 / +15 ☀

Москва +12 / +13 ☀

Мадрид +18 / +16 ☀

Пекин +19 / +20 ☀

Гонгконг +26 / +28 ☀

Рим +14 / +15 ☀

Афина +18 / +16 ☀

Токио +19 / +18 ☀

Стокгольм +8 / +9 ☀

Кейптаун +11 / +10 ☀

Қоҳира +32 / +33 ☀

Гавана +24 / +25 ☀

Вашингтон +19 / +18 ☀

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

ТАХРИР НАЙ'АТИ:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afar HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatandorlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaga manzilli Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646

17088

nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 22.10

Topshirilgan vaqti — 01.55

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5